

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлигининг

2012 йил “26” декабрдаги

“507” - сонли буйруғи билан
тасдиқланган.



МУСИҚА САНЪАТИ (Турлари бўйича)

олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари
умумкасбий ва махсус фанлари педагоглари учун малака ошириш
йўналишининг ўқув дастури

Тошкент – 2012

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳузуридаги педагог
кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази

Малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари
бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2012
йил “25” декабрдаги 4 -сонли баёни билан маъқулланган.

Тузувчилар: ЎзДСМИ профессор-ўқитувчилари, проф. Қ.Т.Мирзаев, катта
ўқитувчи Ф.Т. Мансурбекова, ф.ф.н. проф. Н.Қосимов, п.ф.д.,
доц. Н.Исакулова, катта ўқитувчи Ж.Маматқосимов.
ТДПУ проф. п.ф.д., Н.А.Муслимов, ЎзМУ доценти. п.ф.н.
Ф.Т.Эсанбобоев

Тақризчилар: Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Вокал”
кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди
О.А.Василченко
Ўзбекистон давлат консерваторияси “Хор дирижёрлиги”
кафедраси профессори Ш.Ё.Ёрматов

Ўқув дастурлари Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
Илмий кенгашида тавсия қилинган (2012 йил 26 ноябрдаги 4-сонли
баённома).

Кириш

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойихалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини, илмий-тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларнинг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малака ва кўникмаларни ривожлантириш назарда тутилади.

Дастур доирасида берилган мавзулар тингловчилар педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларини амалда қўллаш олишлари, ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

Умумий тайёргарлик модули:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалалари;
- Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари;
- Таълим сифати менежменти.

Умумкасбий тайёргарлик модули:

- Олий таълим педагогикаси ва психологияси;
- Электрон педагогика асослари;
- Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат;
- Амалий хорижий тил.

Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Бадиий жамоалар билан ишлаш услубиёти инновациялари;
- Номоддий маданий меърос фанининг ривожланиш тенденциялари;

- Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқаришнинг долзарб муаммолари.

Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Мусиқа санъати фанларини ўқитиш методикаси инновациялари;
- Мусиқа санъати фанларини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш.

Танлов фанлари модули.

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари “Мусиқа санъати (*Турлари бўйича*)” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва махсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Мусиқа санъати (*Турлари бўйича*)” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва махсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, амалий хорижий тил, хорижий таълим тажрибаси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар

Тингловчи:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни;
- “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини;
- мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини;
- таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини;
- таълим тизимида мулоқот ва коммуникатив жараёнларнинг шакл ва қонуниятларини;
- педагогик жараёнлар қонуниятлари ва шахсни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг замонавий назарияси ва технологияларини;
- таълим соҳасидаги инновацияларни;
- жамиятни ва таълимни ахборотлаштириш технологияларини;

- бадий жамоалар билан ишлаш услубиёти инновацияларини билиш;
- номоддий маданий меърос фанининг ривожланиш тенденциялари;
- маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқаришнинг долзарб муаммолари;
- музика санъати фанларини ўқитиш методикаси инновациялари;
- музика санъати фанларини ўқитишда маданият ва санъат менежментидан фойдаланиш услубиёти;
- мутахассислик фанларини ўқитишнинг инновацион технологиялар билан бойитилиши;
- республикада ушбу соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва уларнинг натижалари;
- музика санъати фанини ўқитишда замонавий техника ва технологияларга асосланган машқ ва тренинглардан фойдаланиш йўналишлари;
- ўқитувчининг инновацион фаолиятини;
- замонавий таълим методларини;
- электрон педагогика асосларини;
- педагогик маҳорат асосларини **билиши** керак.

Тингловчи:

- таълим-тарбия жараёнлари мақсадига эришишда муассасанинг фаолиятини таъминлаш;
- таълим-тарбия жараёнларини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- қабул қилинган қарорларнинг натижасини баҳолаш ва башоратлаш;
- таълим сифатини назорат қила олиш;
- ўқув-методик ҳужжатларни ярата олиш;
- таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;
- педагогик фаолиятга инновацияларни татбиқ этишнинг самарали шаклларини;
- замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этишни;
- виртуал лаборатория ишларини яратиш ва қўллаш;
- хорижий тилдаги манбалардан педагогик фаолиятда фойдалана олиш;
- электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- педагогларда касбий компетентликни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
- шахсий педагогик ва методологик маданиятни ривожлантириш;
- бадий жамоалар билан ишлаш услубиёти инновацияларидан фойдаланиш;
- номоддий маданий меърос фани ривожлантириш услублари;

- маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқаришнинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш;
- муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси инновацияларидан фойдаланиш;
- муסיқа санъати фанларини ўқитишда маданият ва санъат менежментидан фойдаланиш;
- мутахассислик фанларини ўқитишни инновацион технологиялар билан бойитиши;
- республикада ушбу соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва уларнинг натижаларидан ижобий фойдаланиш;
- муסיқа санъати фанини ўқитишда замонавий техника ва технологияларга асосланган машқ ва тренинглардан фойдаланиш;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- педагогик мониторинг олиб бориш;
- психологик-педагогик диагностиканинг замонавий методларидан фойдаланиш;
- муסיқа санъати фанлари инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- муסיқа санъати фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш;
- коммуникатив вазифаларни ҳал этиш технологиялари, касбий мулоқот усулларидан фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Курсни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Модулларни ўқитишда дарслик, ўқув қўлланмалар, маъруза матнларининг электрон версияларидан, электрон плакатлар ва бошқа электрон ресурслардан фойдаланилади. Машғулотлар семинар-тренинг шаклида олиб борилади ва кичик гуруҳларда ишлаш каби интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Малака ошириш жараёни 144 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Ўқув курсини тугаллаган тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарори билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака оширганлиги ҳақидаги сертификат берилади.

«Музыка санъати (Турлари бўйича)»
малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг таркиби
мазмун

I. Умумий тайёргарлик модули

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалалари.

И.Каримов асарларида жамият таракқиёти тўғрисида янги назарий концептуал ёндашувнинг илмий асослари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётига сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Жамият ривожланиш босқичлари. Мустақиллик ва ўтиш даврининг зарурияти. Таракқиётнинг “Ўзбек модели”нинг ишлаб чиқилиши, асосий принциплари. Жамият таракқиётини демократлаштириш ва модернизация қилиш. Эришилган ютуқлар ва унинг истиқболлари.

Демократик жамият қуришда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти унинг муҳим шартини эълон қилди. Мамлакатда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши, унинг асосий йўналишлари. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган янги қонунлар ва ўзгаришларнинг аҳамияти.

Глобаллашув ва таълим-тарбия тизимидаги замонавий талаблар. Ахборот коммуникация тизими, замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш ва унинг афзалликлари. Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари, умумдемokratик принципларга асосланиш, миллий ғоя негизларидан таълим-тарбияда фойдаланиш.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

Давлат таълим стандартлари, классификатор, ўқув режалар, фан дастурлари, Олий таълим вазирлигининг низомлари, буйруқлари, йўриқномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ваколатлари, маҳаллий давлат органларининг ваколатлари, Олий таълим муассасаларининг ваколатлари.

1.3. Таълим сифати менежменти.

Умумий сифат менежменти тушунчаси, асосий ғояси ва тамойиллари. Таълим сифати тушунчаси, тавсифлари, бошқариш функциялари ва бошқичлари. Таълим сифатини юксалтириш воситалари.

Олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар. Ўқув жараёни сифати. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва илмий салоҳияти. Олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти сифати. Олий таълим муассасасининг сифат сиёсати. Таълим маркетинги хизматлари сифати. Битирувчиларнинг сифати.

Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий йўналишлари. ОТМларнинг рейтинги. Ўқитувчи илмий фаолиятининг сифатини баҳолаш мезонлари. Ўқитувчининг маънавий-ахлоқий фаолиятини баҳолаш мезонлари. Мутахассислик фанлари бўйича ўқитувчининг услубий рейтинг баҳосини аниқлаш тартиби. Таълим жараёнини баҳолаш усуллари ва технологияси. АРМ ва кутубхона хизматини баҳолаш. Талабанинг «лавозим имконияти»ни баҳолаш услубиёти. Битирувчи талабаларнинг лавозим имконияти бўйича сифат тоифалари ва белгилари. Факультет ва кафедралар даражасида сифат менежменти.

II. Умумкасбий тайёргарлик модули

2.1. Олий таълим педагогикаси ва психологияси.

Олий таълим педагогикаси ва психологияси фанининг долзарб муаммолари. Таълим жараёни ягона тизим сифатида. Таълим парадигмалари. Педагогик тадқиқот методлари. Олий таълимни модернизациялаш ва оптималлаштириш. Таълим жараёнининг психологик ўзига хослиги. Ўқув мотивацияси ва таълим самарадорлиги. Шахс психологияси ва шахсга йўналтирилган таълим. Педагогик коммуникацияда психологик компетентлик.

2.2. Электрон педагогика асослари.

Ахборот – коммуникация технологиялари ҳақида тушунча, ахборот – коммуникация технологиялари воситалари. Янги ахборот технологиялари, ахборот тизимини бошқариш, ахборот тизимининг функционал ташкил этувчилари. Маълумотларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш. Маълумотларни узатиш тизимлари ва уларнинг характеристикаси. Замонавий комуникацион технологиялар. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялар, интерактив технологиялардан фойдаланиш.

Ўқув мақсадли электрон воситаларни яратиш ва уларнинг сифатини баҳолаш, ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини ва ўқув муассасаси ташкилий бошқарув тизимини автоматлаштириш ва унинг

истикболлари, электрон ўқув материаллар базасининг тузилмаси ва таркиби, таълимий ИНТЕРНЕТ ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш.

Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи. Электрон ўқув материаллари ва уларнинг турлари. Замонавий дастурлаш тиллари асосида электрон ўқув материалларини яратиш.

Аудиовизуал ахборот: табиати, манбалари, ўзгартирувчилар, ташувчилари. Ўқитишнинг аудиовизуал технологиялари: теле ва видеоконференциялар ва уларни ташкил этиш, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмалари, аудио, видео ва компьютерли материалларнинг банки, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмаларини яратишнинг дидактик принциплари. Ўқитишнинг интерфаол технологиялари.

2.3. Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.

Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари. Таълим технологияси ва шахсга йўналтирилган таълим турлари. Замонавий таълим (модулли, муаммоли, интерфаол, ҳамкорликда ишлаш, индивидуал, информатсион) технологиялари. Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш. Педагогга қўйилаётган замонавий талаблар, дидактик воситалар ва улардан фойдаланиш. Ўқитиш методлари. Маъруза, амалий дарс, лаборатория ва семинарларда ўқитиш технологиялари лойиҳалаш методи. Кейс стади талабаларни кичик гуруҳларда ишлашини ташкил этиш. Педагогик мулоқот маданияти ва психологияси. Педагогнинг коммуникатив ва креатив қобилиятлари. Касбий компетентлик. Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ. Педагогик техника. Нутқ техникаси ва маданияти. Педагогик низолар. Педагогик жараённи технологик лойиҳалаштириш.

2.4. Амалий хорижий тил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорининг моҳияти ва тарихий аҳамияти. Чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш. Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиш. Халқаро ҳамкорлик ва мулоқотларни ривожлантириш. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш. Чет тилини эгаллаш даражаларининг Европа системаси (CEFR) ва унинг асосий даражалари. Сўз бирикмалари атрофида мулоқот. Сўзлашув ва эшитиш қобилияти. Ишда, ўқишда, бўш вақтларда бўладиган суҳбат малакасини шакллантириш. Эркин касбий мулоқот. Чет тилида илмий мунозара. Туризмга оид мулоқот. Йирик, мураккаб матнлар ва уларни тушуна олиш кўникмаси. Фикрни равон

ифодалаш. Чет тилида бўлган интернет матнларининг асосий ғоясини тушуниш. Таржима хусусиятлари. Оғзаки ва ёзма таржима.

III. Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули

3.1. Бадиий жамоалар билан ишлаш услубиёти инновациялари.

Республикада маданият ва санъат соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар. Бадиий жамоалар билан ишлаш тизимида оид жараён ва ходисалар. Бадиий жамоалар билан ишлашнинг мақсади, мазмуни, сифати, шакли, методи, воситалари, тамойиллари, шарт-шароитлари ҳамда жараённи тавсифлаш. Оммавий маданият ва унинг салбий таъсири. Олий таълим тизимида мусиқа фанлари педагогларига қўйиладиган талаблар. Бадиий жамоалар билан ишлаш олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш. Бадиий жамоалар билан ишлашда психологик билимлардан фойдаланиш. Таълим ва тарбиянинг шахслараро ижобий муносабатлари.

3.2. Номоддий маданий меърос фанининг ривожланиш тенденциялари.

Номоддий маданий меърос фани тараққиётининг асосий йўналишлари. Марказий Осиё ва Шарқ мамлакатлари ҳамда Европа давлатлари ва АҚШда номоддий маданий меъросни асраш ва тарғиб қилиш тизими. Номоддий маданий меъросни асраш ва тарғиб қилишга кўмаклашувчи халқаро ташкилотлар. Ўзбекистон Республикасида номоддий маданий меъросни асраш ва тарғиб қилиш бўйича дунёдаги ривожланган давлатларнинг қиёсий таҳлили.

3.3. Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқаришнинг долзарб муаммолари.

Маданият ва санъат муассасаларининг фаолияти: турлари, натижалари ва унга эришиш усуллари. Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш метод ва воситалари. Жамоада иш фаолиятини ташкил этиш ва жамоавий маҳсулот истеъмолини самарали ташкил этиш. Шахсий WEB-саҳифаларини, анимацияли тақдимот материалларини яратиш. Касбий вазифаларни самарали амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотларни излаш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш. Телекоммуникация воситаларини касбий фаолиятда қўллаш. Мультимедия ахборот технологияси. Рақамли мультимедия ахборот маҳсулотларини яратиш.

IV. Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули

4.1. Мусиқа санъати фанларини ўқитиш методикаси инновациялари.

Муסיқа санъати фанларида рўй бераётган инновациялар. Фан ўқитилишини такомиллашиши. Унда содир бўлаётган ўзгаришлар ва уларнинг ижобий натижаларидан фойдаланиш усуллари. Янги усул ва услубларнинг кашф этилиши. Анъанавий таълим тизимининг бойиши ва модернизациялашиши.

4.2. Муסיқа санъати фанларини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш.

Муסיқа санъати фанларини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш асослари. замонавий педагогика усуллариининг муסיқа санъати фанларининг ўқитилишида ишлатилиши. Кўрғазма куролларининг яратилиш меъзонлари. Кўрғазмали куроллардан фойдаланиш услублари. Ўқитувчининг шахсий ахборот-маълумот базасини яратиш усуллари. Ахборот доскасини яратиш ва ундан фойдаланиш.

V. Танлов фанлари модули

Таълим соҳалари йўналишлари бўйича тингловчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб олий таълим муассасаси хузуридаги тармоқ марказлари танлов фанлар модулининг таркибий қисми ва мазмунини белгилайди.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни моделлаштириш ҳамда олий таълим педагогикаси ва психологияси, электрон педагогика асослари, таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, амалий хорижий тил, актёрлик маҳорати фанлари ва уларни ўқитишнинг долзарб муаммолари ҳамда замонавий концепцияси, муסיқа санъати ва техникаси илғор йўналишлари, улардан амалиётда фойдаланиш услубиёти, инновацияларнинг амалиётга тадбиқ қилинишида миллий хусусиятларнинг эътиборга олиниши, машқ ва тренингларда ҳар тарафлама қамраб олиш ва индивидуаллик меъзонлари, вокал фани машқ ва тренингларини модернизациялаш, сахна ва концерт ижро унсурларини ўргатиш услублари, муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси инновациялари, улардан фойдаланиш, муסיқа санъати фанларини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш, илғор хорижий педагогик тажрибалар мавзулари доирасида олиб борилади. Амалий машғулотлар замонавий дидактик таъминот ва лаборатория жиҳозларига эга бўлган аудиториялар ва маҳсус таъминланган ижодий устахоналарда, ҳамда Интернет тармоғига уланган компьютер синфларида ташкил этилади.

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб бажаради:

- Реферат (модулга ажратилган соатлар ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади).
- Такдимот (танланган мавзу асосида такдимот тайёрланади).
- Мутахассислик фани бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрлаш.
- Мутахассислик фани бўйича машғулотлар ишланмаларини лойиҳалаш.
- Даражали тестлар банкини яратиш.
- Кейслар банкини яратиш.
- Ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш.

Мустақил иш мазмуни танланган мавзуга мос бўлиб уни бажаришда қуйидагиларга эътибор берилади:

Таркиби:

- титул варағи;
- кириш;
- асосий қисм;
- хулоса;
- фойдаланган адабиётлар рўйхати;
- илова (интернет тармоғидан олинган маълумотлар, амалий материаллар нусхалари, дарс ишланмаси ва б.).

Мазмуни:

- тавсия қилинган адабиётларни мутоала қилиш;
- мутахассислик фанларида инновациялардан фойдаланиш;
- мультимедия дарсликларини яратиш мезонлари;
- талаба билан индивидуал ишлашда педагогик маҳорат;
- касбий педагогика муаммолари;
- интернетда мавзуга оид маълумотларни излаш ва мутоала қилиш;
- малака ошириш курси давомида мустақил дарс олиб бориш;
- дарснинг маърузаси, тарқатма материаллари, технологик харитасини тайёрлаш;
- касбий педагогиканинг услубий таъминоти муаммолари;
- педагогик фаолиятда анъанавийлик ва инновациялар;
- ўзбек педагогик услубиёти ва унинг модернизацияси.

Мустақил иш мазмуни ва шакли йўналиш таркибидаги модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:

1. Муסיқа санъати фанларининг ривожланиш жараёнлари ва воситалари.
2. Муסיқа санъати фанларини ўқитишда инновацион педагогик фаолият

назарий асослари.

3. Педагогик технологиялардан мусиқа санъати фанларини ўқитишда фойдаланиш услублари.

4. Номоддий маданий меъросни асраш ва тарғиб қилишда хорижий мамлакатлар тажрибалари.

5. Замонавий педагогик технологиялар орқали мутахассислик фанларини ўқитишни лойиҳалаш.

6. Компьютер тармоқлари.

7. Талабада маданият ва санъат муассаларини ташкил этиш ва бошқариш йўналиши бўйича илмий изланишлар олиб бориш кўникмаларини яратиш методикаси.

8. Тадқиқотли топшириқлар методи.

9. Таълимни ташкил этиш турлари ва шакллари.

10. Мусиқа санъати фанларининг дидактик таъминоти.

11. Ахборот – коммуникация технологиялари воситалари ва уларни таълим жараёнида қўллаш имкониятлари.

12. Яқка тартибдаги машғулотлар-мутахассислик таълимини ташкил этиш шакли сифатида.

13. Таълимни ташхис этиш.

15. Тарбия тамойиллари.

16. Электрон ўқув-методик материаллар мажмуаси, унинг тузилмаси ва таркиби.

17. Ўзбек мусиқа санъатининг ривожланиш тарихи.

18. Миллий иммунитетнинг шаклланишида мусиқа санъатининг ўрни.

19. Жаҳон мусиқа санъатида ўзбек мутахассисларининг ўрни.

20. Ижодий изланиш жараёнлари ҳақида.

21. Оммавий маданият ва миллий қадриятлар.

22. Овоз устида ишлаш ва мусиқачининг ўз устида ишлаши.

23. Ўзбек классик мусиқасининг оммалаштириш жараёнлари.

24. Жамоавий ижодни ташкил этиш ва бошқариш усуллари.

25. Номоддий маданий меъросни асраш ва тарғиб этишда илмий изланишларни бошқариш.

Дастурнинг инфор­мацион-методик таъминоти

Модуларни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот технологияларини қўлланилиши назарда тутилган:

- модуларнинг барча маърузалари бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш;

- амалиётдаги мутахассислар билан услубий учрашувлар уюштириш;

- замонавий мусиқа асарларини томоша қилиш ва ижро маҳоратини таҳлил қилиш;

- амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш;

- тингловчиларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилган.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, истеъдод, сиёсат, мафкура, 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. И.А.Каримов. Биздан обод ва озод ватан қолсин, 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлида, 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
10. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
12. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
13. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
14. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажаги йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
15. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». –Т.: 2008.-176 б.
16. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: «Ўзбекистон». –Т.: 2011.-440 б.
17. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Халқ сўзи», 1998 й., 15 май 2- бет.
18. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чоратадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта

тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.

22. И.А.Каримов. “Миллий театримиз – ифтихоримиз”. Тошкент шаҳрида Академик Драма Театри янги биносининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи. 2001 йил 30 август.

23. Норхо‘jayev N. “Dilda baxor” G‘.G‘ulom nomli adabiyoti va san‘at nashriyoti T., 1984 y.

24. Норхо‘jayev N. “Zamonaviy estrada qo‘shiqlari”. T., 2001 y.

25. “O‘zbekiston Vatanim manim” Qo‘shiqlar to‘plami.1,2,3,4, Toshkent. 1997-2001 y.

26. Mansurov A. “Ohanglar ertaklar” O‘qituvchi. T.,1999 y.

27. Jalilov M. “Qo‘shiqlar xrestomatiyasi” 1,2 qism. O‘qituvchi. T.,2002-2003 y.

28. Romanovskiy N. Xorovoy slovar Izd.3 .L.,Muzika 1980 g.

29. Sharafiyeva N. Xor sinfi. Musiqa nashriyoti. Toshkent 2005 y.

30. Qoziyev N. «Xor dirijyorligi xrestomatiyasi» 1,2,3,4. qism. O‘qituvchi. T.,1975-1978 y.

31. Mustaqillik taronalari (qo‘shiqlar to‘plami). G‘.G‘ulom. T.,2001 y.

32. “Театр” адабий-бадиий, ахборот-реклама журнали.

Интернет маълумотларн:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz

3. Ахборот-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme www.lugat.uz, www.glossaiy.uz

4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz

5. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz

6. Ziyonet

7. <http://www.teatr.ru>

8. <http://www.uzbekteatr.skm.uz>

9. <http://stanislavsky.by.ru>

10. <http://www.teatr-estrada.ru>

11. <http://www.teatr.com>

12. <http://www.aktor.ru>

13. <http://www.meyerhold.ru>

14. <http://www.mxat.ru>

15. www.press-uz.info

16. <http://www.uforum.uz/>

17. Ахборот resurs markazi <http://www.assc.uz/>

18. <http://www.xabar.uz>

19. www.edu.uz

20. www.pedagog.uz

21. www.tdpu.uz

ИШЛАБ ЧИКИЛГАН:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик маркази



Директор

У.Ш.Бегимкулов

2012 й.

М.У.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази



Директор

С.А. Газиёв

2012 й.

КЕЛИШИЛГАН:

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Таълим муассасалари бошқармаси



Бошқарма бошлиғи

Ф.К.Турдиев

2012 й.

М.Ў